

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

19 июнь, пайшанба, 1997 йил
Сотувида эркин нархда. № 131 (1648)

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБОЙЖОН -- ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН, ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХАЙДАР АЛИЕВ 18 ИЮНЬ КУНИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛДИ



Икки давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Бош вазир Ўткир Султонов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар қарши олди. Кутиб олувчилар орасида Озарбойжон Республикасининг мамлакатимиздаги Факулда ва Мухтор элчиси Ойдин Азимбеков ҳам бор эди. Миллий либосдаги қизлар Озарбойжон Президентига анвоий гуллар тутди.

Машиналар қарвони «Дўрмон» қароргоҳи томон йўл олди. Президент Хайдар Алиевга мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов пешвоз чиқди. Шу ернинг ўзида Озарбойжон Президентини Хайдар Алиевни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Президентлар махсус шоҳсулага кўтарилдилар. Ҳар икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Ислам Каримов билан Хайдар Алиев фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, Президентларнинг яққамма-яққа суҳбати бошланди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар, иқтисодийнинг турли соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва жаҳон миқёсидаги муаммолар хусусида фикрлашиб олинди.

Шундан сўнг, икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама этилди. Президент Ислам Каримов Озарбойжон Президентини Хайдар Алиев ва унга ҳамроҳлик қилаётган меҳмонларни Ўзбекистон заминидан кутлар экан, мазкур ташриф ўзаро муносабатларнинг янги даврини бошлаб беражигига умид билдирди.

-- Ўзбекистон билан

Озарбойжон ўртасидаги алоқалар узоқ даврларга бориб тақалади, -- деди мамлакатимиз раҳбари. -- Халқларимизнинг дўстлик алоқаларини айни кунда ҳам сезиш мумкин. Ўзбекистонда бугун минглаб озар миллатига мансуб кишилар истиқомат қилаётгани, улар томонидан ташкил этилган маданият марказлари муваффақият билан фаолият кўрсатаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Мамлакатларимиз иқтисодий манфаатларининг туташ нукталари ҳам талайгина. Айниқса, Кавказорти транспорт йўлагининг бугунги кунда бераётган самараси бунга мисол бўла олади. Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, жуда кўп иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга дуч келди. Бироқ жаҳон иқтисодий интеграциялашув йўлидаги сай-ҳаракатлар ҳамда иқтисодий ислохотлар натижасида мавжуд кийинчиларни бартараф этиш, иқтисодийнинг барқарор ривожини таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини муайян даражада кўтаришга эришдик.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистонда сўнгги вақтларда юз бераётган ўзгаришларга тўхталиб, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлашиб бораётгани, иқтисодий салоҳиятимиз юксалиб, ишлаб чиқариш ва саноат инфратузилмалари ривож топаётгани ҳақида сўзлади.

Хусусан, юртбошимиз мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кишиларнинг дунёқарашини, фикрлаш тарзи ўзгаргани ҳам алоҳида қайд этиб, ёш авлоднинг мустақил Ватан фарзандлари руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб етишишида диққатга сазовор ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Музокараларда Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатлари ҳар икки мамлакат давлат раҳбарларининг сай-ҳаракатлари тўғрисидаги раъйларнинг тенглик билан раъйларининг ўтган йили май ойида Озарбойжонга буорган ташрифнинг узвий давоми, дея изоҳлади. Ислам Каримов-

нинг 1996 йилги ташрифи бу борада янги даврни бошлаб берганини алоҳида таъкидлади.

Хайдар Алиев ҳар икки мамлакат иқтисодий кўлаб умумий туташ нукталарга эга экани ҳақида гапирар экан, бу соҳадаги ҳамкорликни фаоллаштириш зарурати тутилганини кайд этди. Жумладан, пахтачилик, узум, чой ва тамаки етиштиришда, металлургия, нефть ва кимё саноати соҳаларида янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш борасида Ислам Каримов айтган таклифларни тўла қўллаб-қувватлашни маълум қилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим бугинини транспорт коммуникацияси ташкил этади. Кавказорти йўлига бўйича шу йилнинг беш ойида ташиб ўтилган маҳсулот ҳажми 1996 йилги умумий кўрсаткичдан беш баробар кўп бўлганини алоҳида таъкидламоқ жоиздир. Лекин Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада раванк топтириш учун ишга солинган имкониятлар ҳали жуда кўп. Бу хусусда ҳар икки мамлакат раҳбари бир хил фикрда эканликларини билдирдилар.

Музокараларда ЭКО ва Ўзбекистон, Қозғоғистон, Қирғизистон ўртасидаги ягона иқтисодий макон доирасида амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган ишлар бўйича ҳам фикр алмашилди. Президент Ислам Каримов мазкур ҳаракатлардан мақсад нефть-газ қувурларини ўтказиш, транспорт алоқаси тармоқларини барпо этишда ҳамжиҳатлик билан иш тутиб, келишилган ҳолда сиёсат юритишдан иборат эканини маълум қилди.

Музокараларда минтақавий хавфсизлик масалалари ҳам муҳокама этилди. Президент Ислам Каримов Афғонистон муаммосига тўхталиб, бу мамлакатда тинчлик ўрнатилишига ягона йўли музокаралар ўтказиш эканини яна бир бор таъкидлади.

-- Биз Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаш лозимлиги тўғрисида БМТ, ЕХТ каби нуфузли халқаро ташкилотларга аниқ таклифларимизни билдирганимиз, -- деди Ислам Каримов. -- Мазкур таклифлар бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан маъқуллашмоқда.

Президент Ислам Каримов Тоғли Қорабоғ муаммоси хусусида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, Ўзбекистон ҳукумати ушбу можарони тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори эканини маълум қилди.

Озарбойжон раҳбари Ўзбекистон Президентини юритаётган сиёсатдан мамнун эканини билдирди. Ўз мустақиллик госясида собит турган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатининг юқори баҳо берди. Шунингдек, талайгина халқаро ва минтақавий доирадаги муаммолар хусусида Президент Ислам Каримов билан бир хил нуктаи назарда эканини маълум қилди.

-- Ўзбекистон ўзининг меҳнат ресурслари ва табиий бойликлари, қолаверса, ўзбек халқининг ақлий салоҳияти билан Марказий Осиёда юксак мавқега эга, -- деди Хайдар Алиев. -- Бу ерда юз бераётган ўзгаришлар Озарбойжонда катта қизиқиш билан қабул қилинмоқда ва халқимизнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига ҳурматини янада оширмоқда.

Музокаралар нихоёсида Президентлар Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш тўғрисидаги декларация, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида ҳуқуқий ёрдам, фуқаро, оила ва хилоят ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартнома ҳамда ўзаро ҳамкорлик бўйича ҳуқуқматлараро қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар.

Музокаралар сўнггида Бош вазир ўринбосарлари, ташқи ишлар ва адлия вазирилари даражасида телекоммуникация ва почта алоқаси, саноат мулкчилиги ҳимоя қилиш, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, таълим, банк-молия соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ўндан ортиқ ҳуқуқматлараро ҳужжат ҳам имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Президентларнинг оммавий ақиборат воситалари вакиллари учун ташрифт анжумани бўлди. Унда Ислам Каримов ва Хайдар Алиев бўлиб ўтган музокаралар ва яққамма-яққа суҳбат натижалари ҳақида сўзла-

дилар.

-- Музокаралар ва мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди, -- деди Ислам Каримов. -- Ўзбекистон ҳам, Озарбойжон ҳам минтақавий тинчлик ва барқарорлик тарафдоридир. Иккала мамлакат ҳукумати ҳам ўзга давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиб, уларнинг ички ишларига аралашмаслиқни ўз сиёсатининг асосий йўналиши, деб билди. Биз ҳар қандай кўринишдаги мутаассиблик, террорчилик, сепаратизмга ва можароларни қурол ишлаши йўли билан ҳал қилиш ҳаракатларига қаршимиз. Айтиш кераки, яққамма-яққа мулоқот чоғида ҳам, кенгайтирилган таркибдаги музокараларда ҳам томонларнинг бирортасини қонийтирмаган ёки ўзаро келишилмаган масала бўлмади.

Озарбойжон Президентини Хайдар Алиев қисқа вақт ичида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни юқори босқичга олиб чиқишга эришилганини мамнуният билан таъкидлар экан, жумладан, бундай деди:

-- Ислам Каримовнинг 1996 йил май ойида Озарбойжонга буорган ташрифи чоғида йигирмага яқин ўта муҳим ҳужжат имзоланган эди. Бугун имзоланган ҳужжатлар ҳам юксак аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини белгилашда ва шериклик муносабатларини чуқурлаштиришни таъминлашда гоят муҳим ўрин тутади.

Матбуот анжуманида Президентлар журналистларнинг Кавказорти йўли, ЭКО доирасидаги ҳамкорлик ва бошқа масалаларга оид саволларига жавоб қайтардилар. Россия-Беларус иттифоқи хусусидаги саволларга жавоб қайтарар экан, Президентлар бу борада ягона нуктаи назарда эканликларини билдирдилар.

-- Мазкур иттифоқ Россия ва Беларуснинг ички иши, -- деди Ислам Каримов. -- Хабарингиз бўлса, ушбу иттифоқ парламентининг йиғилиши бўлди ва унда А. Лукашенко иштирок этди. Унинг ўша йиғилишда собиқ шўролар иттифоқи мадҳиясини ҳозирги Россия-Беларус иттифоқи мадҳияси сифатида қабул қилиш ҳақида

сўзлаган «оташин» нутқини изоҳлашнинг ҳожати бўлмас керак. Шунинг ўзиб ушбу иттифоқнинг қай мақсадда тузилганини билиб олишга қийоф қилади.

Бу хусусда Озарбойжон Президентини куйдагича фикр билдирди:

-- Ислам Каримовнинг мулоҳазаларини тўлиқ маъқуллаш билан бирга, шунини айтишим кераки, жиддий одамлар жиддий ишлар ҳақида бош қотиргани дурустрок. Россия-Беларус иттифоқининг низомида иттифоқ унга аъзо бўлишни истаган ҳар қандай давлат учун очкидир, дейлиши ҳам Ўзбекистон Президентининг фикрларини яққол исботлайди. Комил ишонч билан айтманки, Озарбойжон ҳеч қачон бу каби иттифоқларга қўшилмайди.

Россия матбуотининг Ўзбекистон чегарасини Россия федерал чегара хизмати қўриқлаши ҳақида тарқатган хабари хусусидаги саволга мамлакатимиз раҳбари бундай жавоб қайтарди:

-- Ўзбекистон чегара қўшинлари билан Россия федерал чегара хизмати ўртасида ҳамкорликда фаолият юритиш тўғрисидаги битим имзоланган. Бироқ бу Ўзбекистон чегарасини Россия аскарлари қўриқлайди, дегани эмас. Биз чегарамизни ўзимиз қўриқлаймиз. Бунинг учун кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етарли.

Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

Озарбойжон Президентини Хайдар Алиев Президент Ислам Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрига ташриф буюрди. Бу ерда таниқли адиб ва давлат арбоби Шароф Рашидов асарига асосида Озарбойжон бастакори Ориф Меликов ёзган «Икки дил достони» балети намойиш этилди.

Озарбойжон Президентини Хайдар Алиевнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

(Ў.А.)

СУРАТЛАРДА: расмий кутиб олиш пайти; Президентларнинг яққамма-яққа суҳбати.

А. ТўРАЕВ олган суратлар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА
ҲАВО КОДЕКСИ АМАЛДА

Олий Мажлис Саноат, энергетика, тижорат, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни мазкур қўмита раиси Изидор Кочмарик бошқарди.

Йиғилишда Ҳаво кодексининг ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Бундан тўрт йил аввал қабул қилинган ушбу Кодекс ҳаво транспорти ва ундан фойдаланишга доир барча масалаларни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Хўш, у амалиётга қай даражада қўлланилмоқда?

Йиғилишда сўзга чиққанлар масаланинг ана шу жиҳатига кўпроқ эътибор қаратдилар. Ҳаво транспорти тармоғида ислохотлар изчил давом этаётганини алоҳида таъкидланди. Аҳолига хизмат кўрсатиш савияси ва маданияти ҳам йилдан-йилга охиб бормоқда. Йўловчиларни ташинида «Боинг-767», «А-310» русумли аъло сифатли самолётлардан фойдаланилаётган. Утган йили халқаро йўналишда 400 минг, МДХ йўналишида 426 минг, маҳаллий йўналишда эса 696 минг нафар, жами бир миллиондан зиёд йўловчи ташилди. Ҳаво транспортида юк ташини ҳам жами ҳам тобора ортаётганини қайд этилди.

Йиғилишда, шунингдек, Кодекс ижросини таъминлашда бир қатор камчиликларга йўл кўйилаётганлиги ҳақида ҳам мулоҳазалар айтилди. Кун тартибига киритилган масала юзасидан йиғилишда тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ҲАЁТИЙ САВОЛЛАРГА ТЕРАН ЖАВОБЛАР

БУЮК БРИТАНИЯЛИК ОЛИМ, ПРОФЕССОР КРИСТОФ БЛУТНИНГ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА: ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД, БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ» КИТОБИ ХУСУСИДАГИ ФИКРЛАРИ

Рединг университети (Буюк Британия) ҳузуридаги собиқ совет минтақалари бўйича тадқиқот марказининг директори, профессор К. Блут Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ишлаш дастури доирасида бизнинг мамлакатимизда бўлди. У хавфсизлик ва халқаро муносабатлар масалалари бўйича эксперт ҳисобланади. Британиялик олим давлатимиз раҳбарининг янги китоби билан танишиб, бу ҳақида ўзининг илк таассуротлари билан ўртоқлашди.

Китобнинг мазмун-моҳияти, муаллифнинг ўз олдига қўйган мақсадларига нисбатан асосий қарашларини шарҳлар экан, профессор К. Блут қуйидагиларни баён этди:

-- Менинг фикримча, Ўзбекистон Президентининг ўз мамлакатининг миллий хавфсизлиги масалаларини бўйича кенг жамоатчиликка аниқ тушуنча бериш учун вақт ва имкон топиб меҳнат қилиши ўрнат қўйилган даражада ижобий воқеадир. Шу тариқа фуқаролар миллий хавфсизлик тизимини яратишга жалб этилади.

Китоб Президент томонидан барча масалалар рўйроқ кўндаланган қўйилганлиги билан эътиборга лойиқдир. Қўллаб овоз ва қалтис саволларга теран ва очиқ-ойдин жавоб берилганлиги китобнинг мазмун-моҳиятидан ҳам равшан аниқлашиб турибди. Масалан, унда нафақат миллий низолар, диний сиёсийлаштириш ва фундаментализм, коррупция ва жинсийлик муаммоларининг миллий хавфсизлик масаласида тугатган ўрни, балки иқтисодий муаммолар хусусида ҳам аниқ фикрлар билдирилган. Ана шу барча долзарб масалалар асарда ўз аксини топган.

Китобда Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлик концепцияси катта сиёсат даражасида очиб берилиши билан бирга, у мулоқот шаклида одамлар онига ҳам сингдирилган. Бу концепция мамлакатнинг ички тараққийти масалаларини қай этишга қаратилган бўлиб, у прагматизм руҳи билан сугорилган.

Жаҳон ҳамжамиятига кириш масаласи Ўзбекистон учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада собиқ Иттифоқ мамлакатлари учун шунчаки жўн муаммо эмас. Ушбу масалалар МДХ мамлакатлари тараққийти турли даражада турибдилар. Китобни ўқир экансиз, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув Ўзбекистон учун нихоёсат катта аҳамиятга эга бўлишини бу ерда жуда яқини тушунишларини ўқиб оласиз.

Ҳақиқатан ҳам, ўзаро фойдали интеграция миллий хавфсизлик йўлида қўл нарсаларни беришга қўйир, у мамлакатининг ташқи ва ички стратегиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, барқарорлик ва тараққийт шарт-шароитлари ва кафолатлари таҳлили матн ҳажми бўйича китобнинг яқини эгаллаши ҳам мангидан тўғридир. Биз бу омил Президент Ислам Каримов стратегиясининг устувор жиҳатларидан бири эканлигини биламиз.

Ўзбекистон ўз тараққийтида босқичма-босқич ривожланиш йўлини танлаб олди ва бозор структурасини яратиш жараёнида бошқа МДХ мамлакатларига хос бўлган беқарорликни инкор этди. Китобда миллат тушунчаси ва миллий давлатчиликнинг шаклланиши ҳам айрича таърифлаб берилган. Ушбу таърифлар, фикримизча, янги мамлакатлар учун муҳим ҳисобланади. Мамлакат миллий манфаатларини тушунай туриб, давлат ва жамиятда ислохотлар жараёнини мураккаб амалга ошириб бўлмайди.

Китобда баён этилган яна бир муҳим мавзу шуки, бу Ўзбекистонда инсоннинг табиий салоҳияти ҳамда энгизлар изчил давом этаётган ижтимоий қайта қуришлар мазмун-моҳиятини очиб беришдан иборатдир.

Рединг шаҳридаги мен раҳбарлик қилаётган собиқ совет минтақалари бўйича тадқиқот маркази Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти, Самарқанд халқаро бизнес мактаби, Бухоро университети ва Ўзбекистоннинг бошқа нуфузли илмий ва ўқув муассасалари билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар тузган. Биз ўз ҳамкорларимиз билан бирга бундай фаолият юритиш, мазкур китобда таъкидланганидек, хавфсизликни кафолатлироқ омиллардан бири бўлиши инсон салоҳиятининг ривожлантириш госяи ижросига муайян ҳисса бўлиб қўшилиши, деб умид қиламиз.

Илгари собиқ Иттифоқ таркибига кирган Марказий Осиё республикалари ўзларининг миллий хавфсизлик стратегияларини шакллантиришга муҳтож эмас эдилар, ҳозир эса бундай стратегиясиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ёш мустақил мамлакатлар ва уни қўриқлаб турган янги сиёсий муҳитнинг ривожланиши йўллари ва хавфсизлик концепциясини миллий жиҳатдан ишлаб чиқиш анча мураккаб жараён эканлигини китобни ўқиган киши аниқлаб олади.

Китобда Европа хавфсизлигининг янги йўналишлари билан боғлиқ муҳим масалалар ҳам кўтарилган. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ)нинг Марказий Осиё мамлакатлари учун муҳим рол ўйнаши очиб берилган. Албатта, коллектив хавфсизлик ҳақидаги Тошкент шартномаси (1992 й) ва «Тинчлик учун ҳамкорлик» дастури Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Хавфсизликнинг бўлиналиши тушунчасидан келиб чиқиб, китобда ёш суверен давлат бўлган Ўзбекистоннинг барқарорлиги ва тараққийтининг ички омиллари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилади. Ҳақиқатан ҳам мамлакатининг барқарорлик -- бу унинг чет эл ишбилармонлар доираси учун тайёр «ташриф қозони», дейиш мумкин.

Ўзбекистоннинг меҳнатсевар ва меҳмондўст халқига тинчлик ва раванк тилаймиз.



ЕН ДАФТАРИНГИЗ УЧУН

ФРАНЧАЙЗЕР

Шартнома асосида майда хусусий тадбиркорга муайян даврда, махсус кўрсатилган жойда ўз ишини юритиш

хукукини берган йирик савдо ёки саннат фирмаси. Фирма учун бозорда ўз таъсир доирасини кенгайтириш, тижорат хатарини камайтириш усулларида бири. АҚШда ресторани

лар, бухгалтерия ва солиқ хизматлари, хукукий марказлар, автосервис ва бошқа шу каби бир қанча хизмат кўрсатиш турлари ушбу усулда фаолият юргизади.

СОЛИҚ МЕЪЁРИ

У-- солиқ объектининг муайян бирликларига нисбатан қўлланиладиган солиқ миқдори бўлиб, пул суммаси ҳисобида ундирилади. Масалан, иш ҳақи ёки фойданинг пулда ҳисобланган ҳажми, импортнинг пулга чақилган қиймати, ернинг гектар ҳисобидаги сатҳига ҳисобланган солиқ ва ҳ.к. Солиқ меъёри икки усулда белгиланади: қатъий нормалар -- солиқ объекти миқдорига нисбатан ўзгармайдиган меъёрилар. Хусусан импорт солиғи меъёри ўзгармасдир. Ҳар қандай шартларда солиқ импорт қийматининг маълум қисмига тенг бўлади.



Бўз туманидаги Алишер Навоий номи жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил 853 гектар майдонга пахтанинг «Фаргона-3» навини экишган эди. Қўчатлар тўлиқ ундириб олинди. Агротехника тадбирлари вақтида ўтказилаётганлиги боис қўчатлар гуллаш бошлади. СУРАТДА: хўжалик раҳбари И. Маматов ва бригада бошлиғи Т. Шоқиев.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат.

РАҚОБАТБАРДОШ 150 ТА КОРХОНА

«Ўздавстандарт» маълумотларига қараганда, ўз маҳсулотларини экспортга жўнатаётган корхоналар сони тобора ортиб, хорижий тижоратчилар Ўзбекистонда харид қилишни афзал қўраётган маҳсулот турлари ҳам кўпайиб бормоқда.

Республикамиздаги бир юз эллидан ортқ корхона жаҳон бозоридagi рақобат курашида мубоффақиятли иштираётганда, Ўзбекистон корхоналари стандартчиларнинг тегишли имтиҳондан ўтиб, халқаро сертификат олган, пахта, лилла, ноёб ва рангли металллар сингари қўллина айнавий маҳсулот турларидан ташқари бошқа товарларни хорижа жўнатишни ҳам йўлга қўйди.

(ЎЗА).

Мамлакатимизда асосий иш жойидан бошқа манбалардан ҳам даромад олувчи фуқароларнинг даромадларидан солиқ ҳисоблашни такомиллаштириш мақсадида ва «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнаний фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинган даромад солиғи тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига биноан, жойларда фуқароларнинг йиллик умумий даромадларини декларациялаш тартиби амал қилмоқда.

даромад таркибига қандай даромадлар қиради?

-- Меҳнат вазибалари ва уларга тенглаштирилган ишларни бажариш натижасида олинган даромадлар шулар сирасига қиради. Шунингдек, фуқаронинг корхона, муассаса, ташкилот билан тузган

ги ёрдамнинг бошқа турлари; б) алиментлар; в) олий ўқув юртлари, ўрта махсус ва хунартехника билим юртлари, шу жумладан олий ўрта диний ўқув юртлари томонидан ўз студентлари ва ўқувчиларига тайинланган стипендиялар, шунингдек, фуқаролардан олинган совға буюмлари қиймати ва инъом этилган пуллар;

тасдиқланади); л) мерос қолиши ва совға қилиш натижасида (фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (хукукий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақи тарзидаги пул бундан истисно) олинган пуллар, шунингдек, фуқаролардан олинган совға буюмлари қиймати ва инъом этилган пуллар;

ДЕКЛАРАЦИЯ НИМА?

У ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ ВА ҚАЕРГА ТОПШИРИЛАДИ?

декларациялаш тартиби амал қилмоқда. Хўш, бу жараён қандай кечаяпти? Жисмоний ва хукукий шахслар ушбу муҳим тадбирда фаол иштирок этишяптими? Унинг моҳиятини чуқур англаб етишяптими?

меҳнат шартномаси (битим) асосида аниқ ихтисослик, малака, лавозим бўйича ишларни бажариши, ширкат, жамоа хўжалиги, деҳқон хўжалиги, диний, жамоат ташкилоти, адвокатурадаги аъзолик, хизмат ёки ўқиш муносабати билан меҳнат вазибаларини бажаришдан, фуқаролик-хукукий характердаги шартномалар асосида мавсумий ёки бир марталик ишларни амалга оширишдан, тадбиркорлик ёки тижоратчилик фаолиятидан пул бирлигида, хорижий валютада, шунингдек, натура шаклида олинган даромадлар ҳам умумий даромад ҳисобланади.

ри ва экология жамғармаларининг маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар; г) хунар-техника билим юртлари ўқувчилари бажарган иш учун маъруз билим юртлари ўқувчиларга берадиган тўловлар; д) нафақалар ва уларга қўшимчалар; е) фуқаролар қон топширгани ва донорликнинг бошқа турлари, она сути топширганлик учун оладиган пул, тиббиёт муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганликлари учун оладиган даромадлар; ж) майиб бўлиш ёки бошқа тарзда саломатликка зиён етиши оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганлик учун тоvon тарзида олинган пул;

декларациянинг шакли ва уни тўлдирish тартиби хусусида ҳам маълумот берсангиз. -- Декларация бланкиси фуқарога яшаш жойидаги солиқ инспекцияси ходимлари томонидан бепул берилади. Бу -- ялли йиллик даромад тўғрисидаги декларациянинг 1-бўлимида фуқароларнинг йил давомида олган барча даромадлари, бу даромадларни олиш билан боғлиқ ҳолда қилинган сарф-харажатлари, шунингдек, шу даромад манбаларидан ушланган солиқ миқдори ёки тўланган бўнак (аванс) миқдори кўрсатилади. Даромадлар ҳақидаги маълумотлар турига ва даромад олган жойига қараб, бўлимининг тегишли жадвалига киритилади.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

-- Нафақа, стипендия каби даромадлар ҳам декларацияда кўрсатилиши шартми? -- Йиллик умумий даромаднинг аниқлашда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнаний фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинган даромад солиғи тўғрисида»ги Қонуннинг 3 ва 4-моддаларига мувофиқ, қуйидаги даромадлар ялли йиллик даромад таркибига киритилмаслигини назарда тутмоқ лозим:

2) фуқароларни чет элга ишга юбориш муносабати билан уларга давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари тўлайдиган иш ҳақи ва чет эл валюта-сидаги бошқа пуллар; и) фуқароларнинг мулкчилик хукуқи асосида ўзларига тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан (сотиш учун ишлаб чиқариладиган ёки сотиб олинган маҳсулот ва бошқа мол-мулкнинг сотишдан тушган даромадлар бундан мустасно) оладиган даромади; к) фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларидан етиштирган мол, нутрия, қўён, парранда ва турли маҳсулотларни қайта ишланган ҳолда ёки ишламасдан сотишдан олган даромадлари (Фуқаронинг шахсий ёрдамчи хўжалиги борлиги маҳаллий ҳокимият органларининг маълумотномаси билан

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Давлат солиқ кўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш департаменти бош давлат солиқ инспектори Дилноза МАКСУДОВА кўпчиликни қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири И. ҲАРАОВ тайёрлади.

нинг далаларида «Сангзор-8», «Маржон», «Ёнбош» навлари ҳам экилган бўлиб, уларнинг ҳосилдорлиги гектарига 68-95 центнерга етади. -- Ғаллачилик илмий-тадқиқот институтининг филиали хўжалигинида очилганининг сабаби шундаки, биз кўп йиллардан бундан маъруз институт олимлари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келамиз, -- дейди жамоа хўжалиги раиси Урмонжон Борзобоев. -- Илмий тадқиқотлар учун экин майдонларининг ажратиб берилиши. Олимларнинг

КУЛОЛЛАР СУЛОЛАСИ

Ургутлик кулол Нўмон Облоловнинг айтишича, уларнинг сулоласи мазкур қасб билан шуғуллана бошлаганига 350 йил бўлибди.

Бу - унинг билгани. Эҳтимол, ундан ҳам кўпроқдир. Ҳар ҳолда Нўмон ака бобокалондоридан бири ясаган кулолчилик буюмлари 1648 йилга тоалуқли эканлигини исботлаб бера олади.

Самарқанд заминида хунармандчилик билан шуғулланиб, ўз касбини санъат даражасига кўтарган хондондор ўнлаб, юзлаб топилади. Яқинда вилоят марказида ўтказилган халқ хунармандчилиги буюмлари савдо-кўргазмаси бунга яна бир қорро тасдиқлади.

Кўргазмада вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан келган кулоллар, сандиксоз ва зардўзлар, мисгар ва бешиқсозлар, бошқа ўнлаб хунар эгалари ўзлари ясаган буюмларни намойиш этишди.

Рафоз Ибодовнинг асл касби - ўқитувчилик. Физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига эга. Лекин вақт ўтиб, фарзандлари билан концерт заллари, тўйларни безоидиган турли шакл ва ҳажмдаги гуллар ясади. Уларнинг бу маҳсулоти бутун Самарқандда харидордир. Жомбойлик Жўрақуловларнинг бешик ва сандиклари ҳам машҳур. Ҳуллас, ўз хунарини улуғлаб келаётган, бозорни сифатли ва чиройли маҳсулотлар билан тўлдирётган бундай хунарманд оилалар эл назарига тушиб, кадр топишмоқда.

М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

нинг ёрдами туфайли ғаллакорларнинг ҳосилдорлигини йил сайин оширишмоқда. Бу йил 413 гектар майдонга ғалланинг ҳар гектаридан ўртача 80 центнер ҳосил олишни мўлжалламоқдамиз. 126 гектар ерга «Юна», қолган майдонларга «Скифанка» нави бугдой экинмиз. «Юна» нави бугдой экилган айрим пайкалларнинг гектаридан 90 центнергача сара дон олади.

К. НИЗОМОВ, ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ДАВЛАТ ҚИСҚА МУДДАТЛИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида давлат қисқа муддатли облигацияларининг «Кимошди» ва иккиламчи савдолари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат облигацияларининг эмитенти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса чиқарилган облигацияларга хизмат кўрсатувчи бош агентдир.

Давлат қисқа муддатли облигациялари бўш пул маблағларини қисқа муддатга фойдали инвестиция қилиш имконини беради. Шу билан бирга, давлат облигациялари операцияларидан олинган даромад Ўзбекистон Республикасининг қонунарига ҳамда чиқарилиш шартларига биноан, солиққа тортилмайди. Давлат облигациялари бозорида иштирок этаётган корхоналар ва ташкилотлар ўз маблағларини оператив равишда бошқаришда қўшимча имкониятга эга бўлмоқдалар. Облигациялар дисконт (номинал қийматдан паст баҳода) билан сотилади. Чиқарилаётган давлат облигациялари юқори даражадаги ишончли қимматли қоғоз ҳисобланади, чунки мудат тамом бўлгандан сўнг уларнинг номинал қиймат бўйича тўлови давлат томонидан кафолатланади.

Бир дон облигациянинг номинал қиймати 1000 сўмни ташкил этади. Чиқарилган облигацияларнинг муомалада бўлиш муддати 3 ва 6 ойдир.

Давлат облигацияларини жойлаштириш ҳамда уларнинг иккиламчи савдолари Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида бозор қонун-қоидалари асосида ўтказилади. Бунда давлат облигацияларининг даромадли, юқори ликвидли ва хавф-хатарсиз эканлиги уларга бўлган қизиқишнинг асосини ташкил этади. Давлат облигацияларига сармоядорлар томонидан доимий талабнинг мавжудлиги туфайли облигация эгалари ўз дилерлари орқали иккиламчи бозорда уларни исталган миқдорда сотишлари мумкин. Харид қилинган облигацияларни исталган вақтда сотиш муаммосининг йўқлиги давлат облигацияларига сармоядорларни янада кенгроқ жалб этишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон давлат облигациялари бозорининг ривожланиши билан унга қизиқувчилар сони тобора ортиб бормоқда ва бўш маблағлари бўлган банкдан ташқаридаги тузилмалар - молия компаниялари, сугурта ва бошқа инвестиция фондлари, қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, акционерлик ташкилотлари уларнинг орасида катта ўрин эгаллаб турибди.

Корхона ва ташкилотлар давлат облигацияларининг муомалада бўлиш даврида ўз дилерлари орқали «Кимошди» савдосида ва иккиламчи савдоларда уларни харид қилишлари ва сотишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида давлат қисқа муддатли облигацияларини жойлаштириш бўйича ҳар ойда «Кимошди» савдолари ўтказилади. Чиқарилиш ҳажми 10 кун олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги томонидан эълон қилинади.

Облигацияларни сотиш ёки харид қилишни хоҳлаган ташкилотлар қуйида рўйхати берилаётган дилер-банкларнинг исталганга мурожаат қилишлари мумкин.

Table with 2 columns: Дилер (Broker) and Манзил, телефон (Address, phone). Lists various banks and their contact information.

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси.

ФАН -- ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ОЛИМЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Шахрихон туманининг академик Саримсоқов номидаги жамоа хўжалигида республика ғаллачилик илмий-тадқиқот институтининг филиали очилди. Андижон вилояти шу йилдан бошлаб республика маълақати хўжаликларини унвон қилишдан базиси деб эълон қилинган Андижонлик тадқиқотлар бу

йил хўжаликларни 200 минг тонна сара уруғлик билан таъминлаш мажбуриятини олган. Ғаллакор олимларнинг таъсисига биноан, ўтган йилнинг кузида жамоа хўжалиги дала-ларига бугдойнинг Ингирмага ларики истиқболли навлари экинган эди. Ғалла ўрими олинган, ўтказилган синвон «Горлица», «Половчанка» каби янги нав-

лар суртиладиган ерларда гектар ҳисобига 114-125 центнер ҳосил бериши мумкинлигини кўрсатди. «Новокубанка», «Офелия», «Ника-кубанка» навлари экинган донлар дон олинган миқдор берди. Қизилдор ўлкасидан келтирилган бу навлар иқлим шартинингизга яхши мослашган. Бундан ташқари, институт филиали-

ИБРАТ

ОЛИМ АКА ЯРАТГАН БОҒ

Хар бир инсондан ҳаётда бирон-бир из қолади. У яхши ишлари билан ўзига ҳайкал қўйиб кетади. Маҳалламиз оқсоқоли Олим ака Усмонов ҳақида ҳам ана шундай илқ гапларни айтиш мумкин.

Олим аканинг асли касби — матбаачилик. У кўп йиллар давомида «Шарқ» матбаа концернида хизмат қилди. Ҳозир, нафақага чиққанга қарамай, баҳоли қудрат ишлаб турибди. Унинг кўнгил қўйган иши — боддорчилик.

У «Юнусобод» мавзесининг 13-даҳасида, 13-уйда истиқомат қилади. Бундан ўн беш йиллар муқаддам Олим ака уй ёнидаги бўш ётган бир неча сотих майдонни ихлос билан тошлардан тозаллади, текислади ва 20-30 тул турли мевали дарахт ниҳолларини экти. Шу билан дярли ахлатхонага айланб кетган жойда ажойиб бир боғ пайдо бўлди. Ҳозир бу ердаги гилос, олча, ёноғ, узум, ўрик, олма-лар қийғос мевага кирган.

Хар йили Олим ака улардан намуналар узиб олади-да, кўп хонадонли уйнинг ҳамма оилаларига бирма-бир тарқатиб чиқади. «Кўлингиз дард кўрмасин», дейишда кўни-қўшнилар.

... Баъзи кўп қаватли уйлар ёнидаги ахлатга тўлиб ётган майдонларга кўзим тушса: «Аттанг, бу жойларнинг ўз Олим акаси йўқ экан-да», деб кўяман.

Б. СОБИРОВ, Тошкентдаги Навоий номи Нафис санъат лицейи битирувчиси.

ТИББИЁТ

Яқинда республика Фанлар академиясида тиббиёт фанлари бўлими ташаббуси билан катта бир йилги бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзфармасаноат» концерни, тиббиёт соҳаси билан шуғулланувчи бир қатор институтлар раҳбарлари ҳамда академиянинг кимё-биология бўлимлари раҳбарлари ва олимлари иштирок этган бу мажлисда мамлакатимизда инсон саломатлигини яхшилаш, тиббиёт фанини янада тараққий эттиришда химия, биология, физика фанларининг роли ҳамда ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳусусида фикр алмашилди. Мухбиримиз ана шу йилнинг ташкилотчиси, ЎзФА тиббиёт фанлари бўлими раиси, академик Карим Йўлдошев билан суҳбатлашди.

— Домла, аввало, бундай нуфузли мавзуда ўтказишдан кўзланган мақсад тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Шунга қайд этиш лозимки, қайси мамлакатда илм-фан ривожланган бўлса, ўша давлатда тараққийёт бўлади. Бизнинг асл ниятимиз ҳам асосан республикамиздаги ҳар бир соҳа фанларини ривожлантириш билан бирга, тиббиётда дори-дармонлар ишлаб чиқариш ва аҳолига етказиб бериш борасида ҳамкорлик қилиш масалаларини биргаликда кўриб чиқишдан иборат эди. Маълумки, айни пайтда «Ўзфармасаноат» концернида тайёрланаётган дори-дармонлар хомашёсининг қарийб 97 фоизи четдан келтириляпти. Ваҳоланки, ўзимизда бу борадаги имкониятлар жуда катта. Мисол учун, республикамизда икки ярим мингдан зиёд турдаги доривор ўсимликлар ўсади. Бироқ ҳозирча уларнинг фақатгина 50 хилдан фойдаланиляпти. Биз йилгилишда химиклар, фармакологлар ва биологлар олдига мана шу масалани кўндаланг қўйдик. Зотан, диёримиздаги мавжуд доривор ўсимликларни ўзлаштириб, четдан келтириладиган хомашёларни камайтириш қанчалик наф келтиришини ҳаммамиз яхши ҳис қиламиз. Мухими, бу фикр барчага маъқул бўлди. Маҳаллий хомашёдан дори-дармонлар тайёрлашни илм-фан асосида амалга жорий қилиш учун ҳамкорликда

илмий дастур ишлаб чиқишга келишиб олдик. — Унда нималар кўзда тутилади?

СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ БОЙЛИГИ

— Ушбу дастур икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси академиянинг фанлар бўлимларидан тайёрланади. Тиббиёт, химия, биология, геология соҳалари олимлари билан шу ҳусусда фикр алмашидик, ҳамкорлик юзасидан гапни бир жойга қўйиб олдик. Шунингдек, йилгилишда маҳаллий хомашёлардан дори-дармонлар тайёрлашда олимларимизнинг иштироки, вазифалари ҳам муҳокама қилинди.

— Бўлимлар ўртасида ҳамкорликка келишилди, дейсизми?..

— Биласизми, шу пайтгача Фанлар академиясидаги барча бўлимлар бир-биридан айри ҳолда, ўзларича фаолият кўрсатиб келарди. Улар ўртасида ҳеч бир уйғунлик йўқ эди. Мажлисда эса шу ҳолга барҳам берилиб, ўзаро алоқаларга асос солинди. Бунинг аҳамияти жуда катта. Чунки уларнинг бир-бирлари билан доимий алоқада бўлиши, ютуқ ва тажрибаларини бирга баҳам кўриши яхши-ку! Тиббиётда асосий объект — инсон саналади. Уни тиб-

биётчилар ўз соҳаси бўйича, биологлар ўз йўналишлари асосида, химиклар ўз усуллари билан тадқиқ этишса ва уларнинг натижалари умумлаштирилса, инсонни янада мукамал ўрғаниш мумкин бўлади. Шундай экан, биз бир-биримизнинг ютуқларимиз, тажрибаларимизни тиббиётга татбиқ этсак, ишимиз ҳам олға силжийди.

— Дастурда тиббиёт соҳасидаги устувор йўналишларга қай тариха аҳамият берилди?

— Бу масалалар унинг асосини ташкил этади, десак янглишмаган бўламиз. Ҳусусан, дастурда республикамизда оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш масаласига кенг эътибор берилди. Чунки келажоги буюқ давлатни соғлом авлодлар яратиши ҳаммамизга маълум. Бу борада кенг қўламли тadbирлар белгиланиб, амалга оширилиши мўлжалланган. Шунингдек, мамлакатимизда юқумли касалликларнинг олдини олиш масаласи ҳам жуда муҳим. Сир эмас, бизда гепатит, ҳар хил юқумли ва тиф хасталиклари ҳамон учраб туради. Йилгилишда, айниқса, гепатит касаллигини даволаш усуллари, унга қарши янги дориларни қўллаш устида химиклар, биологлар ва фармакологлар билан фикр алмашидик, бу борада биргаликда ҳаракат қилишга келишилди. Экология муаммоларига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Сил, ўсма, қандли диабет сингари хавфли хасталикларнинг олдини олиш масаласи ҳам ана шу соҳа мутахассис-

ларининг ҳамкорликда ишларини тақозо этади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тиббиётимиздаги долзарб йўналишлардан биридир. Биз бу масалага алоҳида эътибор беришимиз зарур. Шу ўринда бир мисол келтириб ўтмоқчиман. Республикада оммавий равишда оналар соғлигини текшириб кўрганимизда, уларнинг 65-70 фоизидан улар хил касалликлар мавжудлиги аён бўлди. Айниқса, камқонлик, юрак-қон-томир, ўпка,

қилган. Дастурнинг иккинчи бўлимида мана шундай табиий йўсинда беморларни даволаш усуллари кенг йўлга қўйиш масаласига эътибор берилди. Фақат шугина эмас. Ўлкамизда йил-ўн икки ой кўёш чарақлаб нур сочиб туради. Бу эса гелиотерапия усулини ривожлантириш учун қўлай имкониятдир. Дарвоқе, «Физика-қўёш» илмий-текшириш институти мутахассислари ана шу усул учун зарур бўлган турли хил даволаш усуналарини тайёрлаб беришган. Дастурни ишлаб чиқишда тиббиёт соҳасидаги мавжуд техника ва технологияларни кўпайтириш, хасталикларни текшириб даволаш, уларнинг олдини олиш усуллари яхшилаш масалалари ҳам ҳисобга олинади. Энг асосийси, бу тadbирлар қоғозда қолиб кетмаслиги учун барчамиз фидойилик билан ҳаракат қилишимиз зарур.

— Дастурнинг қамрови асосан шулардан иборат бўладими?

— Йўқ, Дастурда умуман республикамизнинг барча аҳолисини соғломлаштириш масаласи қамраб олинади. Йилгилишда биз шулар тўғрисида ҳам батафсил фикрлашиб олдик. Бу ишларни йўлга қўйиш учун, аввало, касалликларни аниқлаш механизмини мукамал ишлаб чиқиб, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш талаб этилади. Бунда тиббиётчилар қатори бошқа фанлар мутахассисларининг ҳам ролини кўтариш лозим. Чунки тиббиёт ҳаммаша химия, физика, биология сингари соҳаларнинг ютуқлари асосида ривожланиб боради. Дайлик, физиклар тиббиётда фойдаланиладиган турли хил аппаратлар иштироки қилишса, химиклар дори-дармонлар яратишадди. Ўз-ўзидан аёнки, улар ўртасидаги боғлиқлик тиббиётимиз қурилишига олиб келади.

«Халқ сўзи» мухбири Рафур ШЕРМУҲАММАД суҳбатлашди.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ишбилармон ва барча фуқаролар диққатига!

1997 йил 1 сентябрдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси алоқа корхоналарида «СССР» ёзуви ва «Почта СССР» маркаси бўлган ва бўлмаган барча турдаги почта карточкалари ва хат жисдларидан фойдаланиш тўхтатилади.

1997 йил 1 июндан эътиборан Ўзбекистон Республикаси почта алоқа корхоналарида 110x220 мм ўлчамдаги хат жисдларидан фойдаланишга чиқарилади. Конвертнинг юқориги чап қисмида қуйидаги ёзув бор:

O'zbekiston Respublikasi Aloqa Vazirligi «O'zbekiston pochta» Konserni Конвертлар республикамизнинг барча алоқа бўлимларида сотилади.

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг. Биз Сизга хизмат кўрсатишдан мамнунмиз! «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» КОНЦЕРНИ.

BOZOR KUNIKMALARINI RIVOJLANTIRISH MARKAZI. ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КУРСЛАРГА ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ. Компьютер технологияси асослари-48 соат. Алоқа қилиш учун инглиз тили -100 соат. Бошловчилар учун инглиз тили -150 соат. Сўзлашув тили кўникмасини тақомиллаштириш (инглиз тили) -60 соат. Ҳақ тўлаш шакли ихтиёрий. Бизнинг манзил: Тошкент, Ўрда, Усмон Юсупов кўчаси, 1 "А" (мўлжал — "Динамо" дўқони рўпарасида). Маълумот учун телефонлар: (3712) 41-70-47, 41-23-40.

СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ

БАСКЕТБОЛ МҲСК — ЧЕМПИОН

Жамоа бўлиб ўйналадиган спорт турлари хар доим кўплаб мухлисларнинг эътиборини ўзига жалб этиб келган. Гарчи бизда баскетбол АКШнинг миллий баскетбол ассоциацияси мусобақалари даражасида юқори нуфузга эга бўлмаса-да, иккибозлар Ўзбекистон чемпинати бахсларини кизикми билан кўзатиб боришди.

Эркаклар ўртасида ихчосига етган навбатдаги чемпионат, аввалдан кутилганидек, МҲСК жамоасининг галабаси билан якунланди. Таниқли мураббий А. Адисман етакчилик қилаётган бу жамоа уйинчилари Ўзбекистон терма жамоасининг асосини ташкил этишини биласиз. Команда фақат мамлакат чемпионати бахслари билан чегараланиб қолаётгани йўқ, балки халқаро мусобақаларда ҳам қатнашиб, уйин услубларини шакллантириб борапти. Ҳусусан, харбийлар жамоаси Америкада бўлиб, халқаро турнирда муваффақиятли қатнашган эди.

МҲСК Ўзбекистон чемпионатида 21 та учрашув ўтказиб, унинг барчасида галабага эришти. Тўплар нисбати эса 1836-891.

Ўзбекистон чемпионатининг якуний жадвали қуйидагича бўлди:

Table with 5 columns: Rank, Team Name, Points, Goals For, Goals Against. 1. МҲСК 21 0 1836:891 42. 2. «Бухоро» 18 3 1600:1049 39. 3. «Кимёгар» 12 9 1254:1328 33. 4. МҲСК-РОСММ 11 10 1208:1263 32. 5. «Университет» 9 12 1110:1378 30. 6. «Меҳнат резервлари» 4 17 1013:1412 25. 7. «Афросиёб» 7 7 774:995 21. 8. «Прага» 1 13 609:1088 15.

ЭСЛАТМА: «Кимёгар» - Чирчик, «Университет» - Гулистон, «Меҳнат резервлари» - Тошкент, «Афросиёб» ва «Прага» - Самарқанд шаҳри жамоаларидир.

БОКС Тўртта «ОЛТИН», БИТТА «КУМУШ»

Иркутск шаҳрида бокс бўйича халқаро турнир ўтказилди. Унда ҳамюртларимиз муваффақиятли катнашилди.

51 килограмм вазн тоифаси бўйича рингга чиққан урганчлик Алишер Раҳимов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, турнир голиби бўлди. У ҳозир таниқли мураббий Марат Курбонов қўл остида шуғулланмоқда. М. Курбоновнинг яна бир шогирди — Темур Иброҳимов ҳам бу ерда шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Кўл тўпи бўйича Авлорда ўтказилган Осиё чемпинатида терма жамоамиз муносиб катнашиб, шу йил декабрда Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпинатида китъадан берилмаган тўрт йўлданмадан бирини қўлга киритди.

Кизларимиз Иорданияга етиб келиши билан жаҳоннинг энг кучли тўрт жамоасидан бири — хитойликларга қарши майдонга чиқшиди. Йўл чарчови тарқатмаган бир ҳолатда ҳамюртларимиз муносиб уйин кўрсатишди. Биринчи бўлим жанговар дуранг — 8:8 ҳисобида якунланди. Аммо уч-

БОКС Тўртта «ОЛТИН», БИТТА «КУМУШ»

Юртимизда ўтказилган «Мустақиллик кубоги» халқаро турнирининг голиби — тошкентлик Ян Кульков ҳам Иркутскда муваффақиятга эришти. У 75 кг вазнлилар баҳсида Россия, Украина, Монголия вакиллариини енгиб, бош мукофотни қўлга киритди. Мамлакатимиз терма жа-

моаси ҳисобига тўртинчи «олтин» медалини Тошкент вилояти вакили Фарҳод Бакиров олиб берди. У 63,5 кг вазнлилар тоифасида голиб чиқди. Умумий ҳисобда «чарм қўлоқ» усталаримиз халқаро турнирининг тўртта «олтин», битта «кумуш» медалига сазовор бўлди.

ГЕРМАНИЯГА ЙўЛЛАМА НАҚД

рашунинг иккинчи ярмида бундай йирик мусобақада биринчи марта қатнашадиган кизларимизда тажриба етишмади. Хитойликлар ташаббусини ўз қўлларига олишиб, галабага эришилди. — Терма жамоамизнинг икки қарра Олимпиада чемпиони Жанубий Корея ва Япония жамоаларига қарши уйинларида ҳам вакиллариимизнинг халқаро даражада тажрибасизлиги кўриниб қолди, — дейди республика кўл тўпи федерацияси бош котиби Жасур Акрамов. — Бунинг устига терма жамоамиз, асосан, Жисмоний тарбия институти кўл тўпи командаси аъзоларидан ташкил топган бўлиб, Осиё чемпинати қатнашчилари орасида энг ёш жамоа ҳисобланади. Вакиллариимизнинг катта умида боғлашимизга асос берди. Жасур аканинг фикрига қўшилмас бўлади. Зеро, кизларимиз хал қилувчи урашулда Тайван терма жамоасининг 21:12 ҳисобида мағлубиятга учратиб, буни исботлашди. Р. ЭРМУҲАММАД.

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ ТИФЛОКС. Бактерияга қарши восита қуйидаги вазиятларда қўлланилади: ич терламо; септицемиа; инфеция; сийдик-жинсий; суяклар, бўйинлар; қуйи нафос йўллари; тери, юмшоқ сирт; иммунитетни сусайган беморни профилактика қилиш.

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ АЛЗОН. ЖТ катогорияга таниб таъсир этадиган восита, кенг спектр, резистентга ўрин қолмайди; инкаларнинг нормал ҳолатини бузмайди; ЖТ бўшлиқларида тўпланади.

Эркаклар бақувват бўлиши керак СТАМИНА. Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги марказий аппарати, касба уюмчаси кўмитаси вазир ўринбосари Холдор Искановга волидан муҳтарамаси РОБИЯ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Тошкент шаҳридаги «Қаторгол» бўлими жамоаси «Алгоритм» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқарувининг раиси Мирилёб Азимовга онаси Турсуной АЗИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳридаги 3-бизнес-мактаб (4-ҳунар-техника билим юрти) жамоаси, касба уюмчаси кўмитаси мазкур ўқув даргоҳининг раҳбари Мираббос Азимовга онаси Турсуной АЗИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО. Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Ҳўжў ва қонунчилик 36-37-85; Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94; Маънавият 36-35-60; Туғзи муҳаррират 33-10-28; Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г — 0377, 46.094 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ, Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Н. Топшев. Навбатчи — Қ. Норқобил. Мусахҳиш — Ф. Бободўст. «Шарқ» паприёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. Боснига тошириш вақти — 21.00. Боснига тоширилди — 00.00. 1 2 3 4 5 6